

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳунинг саркаш туяси



17:00 / 07.12.2020 3840

— Озод қилинган қулнинг «вало»си уни озод қилган кишига бўлиши

Бу ҳам молиявий муомала, чунки гап собиқ қул вафот этганидан кейин ортидан қоладиган мерос мол ҳақида кетмоқда.

— Қул ёки чўрини сотиб олувчи киши «вало»сини ўзи олишини шарт қилиши жоиз. Чунки ўзи шундоқ ҳам унинг ҳаққи бўлади.

— Мукотаба қилинган қул ёки чўрини сотса бўлади. Чунки Барийра хўжайинлари билан мукотаба қилганидан кейин Оиша онамиз уни сотиб олганлар.

— Раҳбар одам, олим киши бидъат пайдо бўлганидан хабар топиши биланоқ, уни одамларга тушунтириб, ҳукми баён қилиб бериши ва бидъат аҳлларини қайтариши лозим.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Барийранинг хўжайинларидан савдога ноўрин шарт қўйиш содир бўлиши биланоқ шундай қилишлари бунинг далили бўла олади.

— Айб қилган одамни хутбада номини айтиб, кўпчилик ичида уятга қолдирмаслик кераклиги. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам

худди шундай қилдилар.

— Аллоҳ таолонинг шариатида йўқ шартни қўйиб бўлмаслиги.

— Аллоҳ таолонинг шариатида бўлмаган шарт қўйилса, у ботил ҳисобланиши.

مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَيْلِ صَيَّبِ نَمَّ عَابُ نَأْ؛ عُنَّ لَلِ يَضَّرُ رِبَاجُ نَعْ
عَسْمُ خُ لَأْمُ أَوْ رِوْلَهُ أَلِ لُ هَرَّةَ طَرَتْ شِ أَوْ أَرِيَّ ب

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга туя сотди ва аҳлига етиб олгунича миниб туришни шарт қилиб қўйди».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Улуф саҳобий Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳунинг бир саркаш туяси бор эди. Йўлда бўйсунмай, доимо у кишини қийнар эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга чиқилган сафарлардан бирида у киши туялари дастидан дод, дегудек бўлдилар. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам «Туянгни сотасанми?» дедилар. У киши жон деб рози бўлдилар. Ўша жойнинг ўзида олди-сотди бўлди ва у киши сотилгандан кейин ҳам туяни миниб, уйларига бориб олишни шарт қилиб қўйдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам рози бўлдилар. Саркаш туя ювош тортиб, ҳамма туялардан олдинга тушиб, юриб кетди. Ушбу воқеадан сўнг Ислом шариатида Жобир розияллоҳу анҳунинг савдодаги шартига ўхшаш шарт қўйиш жоизлиги жорий бўлиб қолди.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан